

**ПСИХОЭМОЦИОНАЛ ЗЎРИҚИШНИНГ ЮРАК-ҚОН ТОМИР
ФАОЛИЯТИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ****Утаева Лайло****Давронова Азиза****Тохирова Сарвиноз****Амонова М.Ф**

Илмий рахбар, Самарканд давлат тиббиёт

Институти, Узбекистан Самарканд

Тадқиқот мақсади: Психоэмоционал зўриқишнинг юрак-қон томир фаолиятига таъсирини ўрганиш.

Материал ва текширув усуллари: Маълумки, юрак қон томир системасига бир қатор факторлар; ташқи муҳит омиллари, ҳарорат, намлик, босим, ҳаво таркиби, озуқа билан бир қатордажисмоний ва психоэмоционал зўриқишлар ҳам ўз таъсирини курсатади. Изланишлар 12 та етуклик давридаги 2-курс талаба йигитларида олиб борилди. Дастлаб, нормадаги юрак уришлар сони ва Коротков усули билан артериал босим аниқланди. Кейин текширилувчилардан мияни чархловчиарифметик масалани бажариш талаб этилди. Топшириқ қуйидагича: Қоғозга дастлаб 2 қаторга 1тадан сон ёзилади ва уларни бир- бирига қушибйиғиндиси биринчи қатордаги сон ёнига ёзилади. Агар сон 10 дан катта бўлса, (масалан: 12 факат, иккинчи сони ёзилади яъни 2). Юқори қатордагийиғиндидан



иккинчи қатордаги сонни айирамиз ва чиққан сонни иккинчи қатордаги сон ёнига ёзилади. Масалан; 5 7 2 9 1 0 0 1 1; 2 5 7 2 9 1 0 1 1, шутариқа текширилувчи 40 та шундай кетма-кетликдаги амални бажариши керак. Иккинчи марта шу машқни энди белгиланган вақтда яъни 1-минут давомида бажариш талаб қилинади ва текширувчи томонидан рухий босим берилади. Масалан; Сиз улгурмаяпсиз! Сиз ёмон ишляяпсиз! Вактингиз озколди!каби эмотционал даъватлар қилинади. Вақт тугагач, текширилувчининг пульс частотаси ва артериал босими қайта аниқланади.

Тадқиқот натижалари: Нормал курсаткичларни аниқлаганимизда йигитларда ўртача қон босими максимал 116,5, минимал 76,5, пульс курсаткичи 68,8га, эмотционал зўриқишдан кейин эса ўртача курсаткич максимал босимда 132, минималда 90, пульс 82,2 тани ташкил қилди.

Хулоса: Олинган натижаларни таҳлил қилганимизда эмотционал зўриқишдан кейин юрак частотаси ўртача 17,2 тагача, максимал босим 16,4 ва минимал босим 14.2 гача кўтарилганини кўришимиз мумкин. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, психоэмотционал зўриқишлар марказий нерв системасини, айниқса юрак –қон томир фаолиятини бошқарувчи марказларни кучли қузғатади ва натижада юрак фаолиятини кескин ошиши, қон босимининг кўтарилиши каби ҳолатлар кузатилади. Кундалик ҳаётда бундай психоэмотционал зўриқишларнинг тез-тез такрорланиши оқибатида юрак-қон томир системаси билан боғлиқ касалликларнинг келиб чиқиш эҳтимоли ортади.



Литература:

1. Азимова, А. А., Абдухоликов, С. Х., &Бозоров, Х. М. (2023). ОСЛОЖНЕНИЕ ГЛЮКОКОРТИКОИДНОЙ ТЕРАПИИ У БОЛЬНЫХ САХАРНЫМ ДИАБЕТОМ, ПЕРЕНЕСШИХ COVID-19. ББК 5я431 М42 Печатается по решению Редакционно-издательского совета Государственного гуманитарно-технологического университета, 18.
2. АЗИМОВА, А. А., &МАЛИКОВ, Д. И. (2022). ПОВРЕЖДЕНИИ МЯГКОТКАНЫХ СТРУКТУР КОЛЕННОГО СУСТАВА И УЛЬТРАЗВУКОВОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ. МОЛОДЕЖНЫЙ ИННОВАЦИОННЫЙ ВЕСТНИК Учредители: Воронежский государственный медицинский университет имени НН Бурденко, 11(2), 10-13.
3. Азимова, А. А., Маликов, Д. И., &Шайкулов, Х. Ш. (2021). МОНИТИРОИНГ ЭТИОЛОГИЧЕСКОЙ СТРУКТУРЫ СЕПСИСА ЗА. PEDAGOGICAL SCIENCES AND TEACHING METHODS, 48.
4. Азимова, А. А., &Маликов, Д. И. (2023). ВЫЯВЛЕНИЕ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ С ДОБАВЛЕНИЕМ ЕЖЕГОДНОГО СКРИНИНГА УЗИ ИЛИ ОДНОКРАТНОГО СКРИНИНГОВОГО МРТ К МАММОГРАФИИ У ЖЕНЩИН С ПОВЫШЕННЫМ РИСКОМ РАКА МОЛОЧНОЙ ЖЕЛЕЗЫ. THE BEST STUDENT OF THE CIS, 1(1).
5. Furkatovna, A. M. (2024). Contemporary Perspectives on Menopause the Role of Vitamin D and Bone Mineral Density in the Development of Climacteric Syndrome. EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE, 4(2), 218-221.
6. Nomozov, P., & Amonova, M. (2024). ВЛИЯНИЕ СОДЕРЖАНИЯ ВИТАМИНА Д НА ПОКАЗАТЕЛИ МИНЕРАЛЬНОЙ ПЛОТНОСТИ КОСТНОЙ ТКАНИ У ЖЕНЩИН В МЕНОПАУЗЕ. Modern Science and Research, 3(1), 530-531.
7. Furkatovna, A. M. (2024). Risk Factors of Urogenital Disorders in Menopausal Women. EUROPEAN JOURNAL OF MODERN MEDICINE AND PRACTICE, 4(2), 78-83.
8. Amonova, M., & Вахронova, S. (2024). CARACTÉRISTIQUES CLINIQUES, MORPHOLOGIQUES ET MOLÉCULAIRES DE L'ENDOMÉTRITE CHRONIQUE CHEZ LES FEMMES INFERTILES. Modern Science and Research, 3(10), 340-344.